Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
16 ИЮЛЬ, 1969 й.
ЧОРШАНБА
№ 165 (929).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ленин юбилейига зарбдор меҳнат

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА 200 МИНГ СЎМЛИК

«Учқун» тўқимачилик галантерея фирмасининг коллективи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқда. Бу нарса ярим йиллик якунларида ҳам кўзга яққол ташланади.

Пойтахтдаги фирмалар ўртасида пешқадамлик қилиб келаётган фирма аҳли маҳсулот реализация қилиш планини 102,6 процент бажариб, ярим йилда планга қўшимча 196 минг сўмлик тўқимачилик ва галантерея буюмлари сотишга эришди. Йил бошидан буён буюмларнинг 8 хил янги моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Июнь ойида планга қўшимча 70 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниб, план 105,2 процент бажарилди.

Ярим йилда тежалган 36 минг сўмлик хом ашё ва материаллардан 58 мингта рўмол ишлаб чиқарилди. Шунингдек, ўнлаб минг метр тўқима буюмларга ишлатиладиган лентлар тежаб қолинди.

Бугун

Анатолий Сатирин бошлиқ бадиий галантерея ва бош корхонанинг Самад Бурнашев бошлиқ тўқув цехларида тайёрланган гулдор капрон рўмоллар ва галантерея буюмларидан 40 минг сўмликдан зиёди республикамизнинг турли шаҳарларидаги савдо тармоқларига юборилди.

ШАҲРИМИЗНИНГ БИР КУНИ

ШОН-ШАРАФ ЭСТАФЕТАСИ

Ленин районидаги саноат корхоналари ўртасида «Шон-шараф эстафетаси»ни ўтказиб туриш тобора анъанага айланиб бормоқда. Ойлик якун бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган завод ёки фабрикага эстафета байроқчаси тантанали суратда топширилади.

Бугун

«Октябрь 50 йиллиги» номли 3-автокомбинат ишчи - хизматчиларининг тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишда улар «Шон-шараф ишлари эстафетаси»ни ойлик якун ғолиби «Ташхимсельмаш» заводи коллективига топширдилар.

ЛЕНИНЧА ЛЕКТОРИЙ

Бугун

Каноп фабрикасининг ишчилар клубида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан ташкил қилинган ленинча билимлар лекторийсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Лекторий машғулотларини санъат музейининг илмий ходими Н. Н. Зимова олиб борди. У «В. И. Ленин образи тасвирий санъатда» деган мавзуда суҳбат ўтказди. Суҳбат В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тасвирий санъат асарлари билан боғлаб олиб борилди.

Лекторий машғулоти фабрика ишчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Қишлоқ—шаҳарга

БЎСТОНЛИҚ ТОРТИҒИ

Бўстонлиқ райони миришкор деҳқонлари эрта кўкламдан бери тер тўкиб етиштирган ноз-неъматларини шу кунларда шаҳарликларга етказиб бермоқдалар. Шунингдек, Ғазалкент консерва заводига ҳосил карвони жўнатиб турилибди.

Райондаги «Ленинград» колхози аъзолари шу кунгача 500 тоннага яқин карам, помидор, шёлё, сабзи каби ёз неъматларини йиғиб-териб олиб, шаҳарликлар дастурхонига туҳфа этишди. Маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишда хўжаликнинг Усербой Айдарқулов бошлиқ бригада сабзаворкорларининг ҳиммати баланд бўлмоқда.

Бугун

миришкорлар 110 тонна картошка ва сабзавот маҳсулотларини шаҳар аҳолисига жўнатди. Хўжалик бу йил давлат омборига ва шаҳарликлар учун камида 4700 тонна ҳосил етказиб беришга аҳд қилган.



СУРАТДА: дугоналари ўртасида ўз самарали меҳнати билан ҳурмат қозонган Чирчиқдаги қатиқ қотиришмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг йўнувчиси Ранса Валиева. У В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ойлик топшириқларини 130 процентдан адо этяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

КОНСТРУКТОРЛАР АҲДИ

Давлат конструкторлик бюросининг пахта тозалаш бўлими коллективи ингичка толали пахтани тезроқ ва сифатли қуритиш юзасидан илмий-текшириш ишлари олиб бормоқда.

Бугун

бўлажак «ОВО» маркали қурилманинг дастлабки намуналарини тайёр бўлди. Бу қурилма пахта толаларини қуритишда анча самаралидир.

Конструкторлар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан янги қурилмани муддатидан илгари ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ҳаракат қилишяпти.

ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР

Қорақамиш массивида 2-уйсозлик комбинатининг 1-қурилиш бошқармаси коллективи 72 квартирали йирик панелли уйнинг монтажини қўлдан чиқариб, пардозловчиларга топширган эди. Эндиликда шу типдаги иккинчи уйни қуриш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бугун

комбинат бинокорлари бўлажак бино пойдеворларига бетон ётқизиш ва устун асосларини ўрнатиш ишларини бошлаб юборишди.

ДОҲИЙГА БАҒИШЛАБ

Пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленининг табаррук юбилейига бағишлаб, пойтахт олимлари жойларда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда.

Кеча

пойтахтимиздан Сирдарё область меҳнатчилари орасида сиёсий ва илмий билимларни тарғиб қилиш мақсадида бир гуруҳ олимлар жўнаб кетди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими, фалсафа фанлари кандидати А. Зокиров, фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари А. Шукуров, Т. Абдуллаев, В. Стаськовлар лекциялар ўқиб, суҳбатлар ўтказишади.



Шаҳримиздаги 5-ҳунар-техника билим юртида йил сайин кўплаб мутахассислар етишиб чиқади. Ёшлар кийим-кечак ва пойафзал тикиш касбини эгаллайдилар.

СУРАТДА: билим юрти цехларидан бирида. Чевар ўқитувчи Н. Моисидн Раҳима Жуманазарованинг ишини кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

БИЛИМЛАР ОММАГА

Сергели район «Билим» жамиятининг лекторлари шу кунларда районнинг кўпгина корхона ва муассасаларида оила, коммунистик ахлоқ ва бошқа темаларда қизиқарли лекция ўқияптилар.

Кеча

жамият лекторлари резина-техника заводида бўлишди. Район прокурори А. Шарипов «Базорларга қарши курашни кучайтиришлик ва район халқ маориф бўлими мудири А. Жалилов «Ёш авлодларни тарбиялашда мактаб ва жамоатнинг роли» деган темаларда лекциялар ўқишди.

◆ УЙ МУБОРАК

КАЛИТЛАР ШОДАСИ

Бугун

янги уй-жой биноларини қабул қилувчи давлат комиссияси шаҳардаги жуда кўп қурилиш ташкилотларининг бажарган ишларини кўриб чиқди, янги уйларни қабул қилди.

Кардош Грузия ССР қурувчилари Чилонзорнинг К-24 кварталида 60 квартирали уйининг ҳавозаларини ишга туширишди.

Дўмбиробод даҳасида қад кўтарган 48 квартирали хушбичим бино ўз эгаларини кутмоқда. 53-қурилиш трестининг 33-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари фойдаланишга топширган бу биноларда яқинда уй тўйлари бўлади.

Шимолий-шарқ массивидаги янги бино 45 оилани ўз бағрига олади. Бу уйни қурган «Ташинжстрой» трестининг коллективи Қорақамиш массивида ҳам 72 квартирали уйни фойдаланишга топширди.

Черданцев кўчаси чиройини очган иккита 15 ва битта 80 квартирали уйлар яхши баҳоланди. 4-қурилиш трестининг 6 ва 19-қурилиш бошқармалари бу биноларни қуриб тамомлаш билан аҳолига яхши совға ҳозирлашди.

ЯНГИЛИКЛАР АДРЕСИ:

АРҒИП ҚИШЛОҒИ

Оржоникидзе районининг маҳаллий саноат комбинатига қарашли Арғип қишлоғидаги дастурхон тикув цехининг ишчилари кўплаб чиройли дастурхонлар ишлаб чиқармоқдалар. Цех аъзоматлари йил бошидан ҳозиргача 15 минг дона дастурхон тикиб, республика савдо ташкилотларига жўнатдилар.

Бугун

дастурхон тикувчилар шаҳарга 1600 дона чиройли, бежирим дастурхон жўнатишди.

ТОВОҚСОЙ

Жундан тайёрланган кийимларга куя жуда ўч бўлади. Айниқса кийим-кечакларни ёз фаслида сақлаш қийин бўлади. Шунинг учун куяга қарши курашда нафталин қўл келади.

Бугун

Бўстонлиқ районийнинг Товоқсой посёлкасидаги нафталин ишлаб чиқарувчи цех ишчилари шаҳар корхоналарига 2000 пакет нафталин жўнатдилар. Цех коллективининг йил бошидан буён тайёрлаган нафталин пакетлари 4,5 миллион донага етди.

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар транспорт ходимларининг бешинчи анъанали байрамини ўтказиш ҳақида биргаликда қарор қабул қилдилар.

Қарорда шаҳар транспорт ходимларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган бешинчи анъанали байрами 1969 йил 20 июлида — якшанба куни ўтказилиши айтилган.

Байрамга тайёргарлик ва уни ўтказиш учун ташкилий комитет тузилди. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. А. Толипов ташкилий комитет раислигига тайинланди.



Тошкентдаги «Гидрометприбор» заводи 30 номда турли хил приборлар ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: корхонанинг зарбдор слесари А. Денисламов янги лебедкани йиғиш устида ишлаётир. Бу меҳнатсевар ишчи ўз топшириқларини доим 1,5 баравар адо этади.

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Ҳимия-фармацевтика заводида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати кун сайин кенгайиб боряпти. Корхонанинг янгилик ижодкорлари ишлаб чиқаришга қўплаб қимматли таклифларни киритмоқдалар. Ҳаммадан ҳам экспериментал лаборатория бошлиғи С. Досқалининг янгилиги диққатга сазовор. У рутин таблеткаларининг илгариги қувватини сақлаган ҳолда унинг ўртача оғирлигини ўзгартириш ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф 6 минг сўмдан ортиқ фойда келтиради.

Корхонанинг В. Елфимов, А. Аваев сингари ихтирочи ва рационализаторлари ҳам янги-янги таклифлар билан техника тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар

Бугун

рационализаторларнинг 6 ойдаги иш натижалари қараб чиқилди. Улардан 38 та таклиф тушипти. 30 дан ортиқ қимматли таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, бундан 7256 сўм фойда қўрилди.

Корхонада химия цехининг бошлиғи А. Латипов номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Ўз касбининг устаси бўлмиш А. Латипов яхши ихтирочи ҳамдир. Слесарь П. Емельяновнинг биргина таклифи туфайли йилига давлатнинг 450 сўм маблағи тежаладиган бўлди. Ҳаммадан ҳам экспериментал лаборатория бошлиғи С. Досқалининг янгилиги диққатга сазовор. У рутин таблеткаларининг илгариги қувватини сақлаган ҳолда унинг ўртача оғирлигини ўзгартириш ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф 6 минг сўмдан ортиқ фойда келтиради.

Корхонанинг В. Елфимов, А. Аваев сингари ихтирочи ва рационализаторлари ҳам янги-янги таклифлар билан техника тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар

◎ САЁҲАТ — РОҲАТ.

БОЛГАРИЯ САФАРИГА

Бугун

шаҳримиз саёҳатчиларидан бир группаси туристик йўлланма билан Болгария Халқ Республикасига жўнаб кетди. Икки ҳафта давом этадиган саёҳат давомида ҳамшаҳарларимиз дўст мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари, улкан қурилишлари, диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Куни-кеча ўзбек саёҳатчиларидан яна бир группаси Германия Демократик Республикасига бўйлаб сафарга жўнаб кетди.

Бухоро, Андижон, Фарғона областларининг туристлари ҳам Болгария мамлакатига йўл оладилар.

МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИГА

Бугун

каравот заводининг тайёр маҳсулотлар омборидан иккита вагонга юк ортилди. Ҳар бирига 220 тадан бир ярим ўринли каравот жойланган вагонлар Андижон ҳамда Қорақалпоғистоннинг Ҳўжайли шаҳар матлубот жамиятларига жўнатилди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар маданий моллар савдосининг тармоқларига ҳар куни 200-300 тадан каравот юборилмоқда.

КУНИГА 27 ТОННА

Бугун

«Ташхладокомбинат» нинг конвейерларидан қоғозли ва вафлили стаканчаларда 100 граммли мороженоелар ишлаб чиқарила бошланди.

Бу янги мороженоелар Литва ССРдан келтирилган «ОЭС» маркали машиналарда ишлаб чиқарилмоқда. «ОЭС» маркали машина билан биринчи бор Республикамизда қоғозли ва вафлили мороженоелар ишлаб чиқарила бошланди. Бир сменада шу мороженоедан тўрт тоннага яқини тайёрланади ва шаҳар аҳолисига чиқарилади.

Комбинат коллективи ҳар куни шаҳримиз учун ўнга яқин турда 27 тоннага яқин мороженое тортиқ қилади.

✦ АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК.

УЗОҚ МАРШРУТЛАР БЎЙЛАБ

Бугун

шаҳар «Самарқанд» автостанцияси паркига яна 36 та автобус берилди. Бу эса Тошкент-Талас, Тошкент-Жиззах, Тошкент-Наманган каби янги маршрутларни ташкил қилиш имконини берди.

Автостанцияда йўловчиларни ташиш имконияти янада кенгайди. Ҳар куни 30 мингга яқин йўловчи шаҳримиздан республика ва мамлакатнинг турли жойларига жўнамоқда.

Об-ҳаво
БУГУН

кечаси 20—22, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АРГЕНТИНАДА ҚАМАШЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС, 14 июль. (ТАСС). Ҳукуматнинг ўтказган иқтисодий тадбирлари натижасида меҳнаткашларнинг аҳволи жуда ёмонлашиб қолганлиги сабабли яқинда бунга қарши, мамлакатдаги демократик эркинликлар чеклаб қўйилганлигига қарши норозилик намойишлари ва забастовкалари ўтказилган эди. Аргентинанинг ҳарбий маъмурлари шу намойиш ва забастовкаларнинг қатнашчиларини қўплаб тутиб олиб, қамашга киришдилар.

Маҳбуслар турмачиларнинг қаттиқ назорати остида сақланмоқда. Сальта вилоятида маҳбуслардан 5 киши маъмурларнинг қонунсиз ҳаракатларига қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилишди. Уларнинг соғлиғи хавф остида қолди.

Аммо Аргентина ички ишлар министри Франсиско Имас «Қўпорувчилар фитна тайёрлаган» деган гапни яна айтди. Кечалари одамларни тутиб олиб, камаганлик ларини оқлаш учун мана шуни баҳона қилмоқдалар, дейишади бу ердаги кузатувчилар.



ПАРИЖ. Франция кўчаларида кўплаб рассомларни учратиш мумкин. Улар чойчана учун тўри келган ерда ишларининг расмларини чизиб бераверадилар. Суратда: Монмартрнинг кўп сонли рассомларидан бири иш устида.

В. Войтенко фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Республикаси Араб Социалистик Иттифоқи олий ижроия комитетининг раиси Али Сабри билан шу йил 14 июлда учрашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарёв иштирок этди.

◆ **Ўзбекистон бинокорларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигига бағишлаб кеча Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши ўтказилди.** Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. Республикада қурилиш ишларининг аҳволи тўғрисида, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг ҳамда бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

◆ Тонгги газеталарда республика партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчиларининг Ўзбекистон ССР даги барча қурувчиларга, монтажчиларга, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ҳамда лойиҳа ташкилотларининг ходимларига мурожаати эълон қилинган.

◆ ГДР партия ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити якунлари тўғрисидаги қўшма баёнот ҳам тонгги газеталарда босилган.



Беш йиллик илғорлари

Пиллакашлик фабрикасида янги пилла ҳосилидан маҳсулот тайёрлаш бошланди.


ЮҚОРИДАГИ СУРАТДА — корхонанинг зардоб автоматчиси Зеби Тешабоева. У сменa топшириқларини 130 процент адо этмоқда.

* * *

Николай Стефанишин (ўнгдаги суратда) «Ташавтомаш» заводи тажриба цехининг илғор слесари. Бу ишчи беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун гайрат билан меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов

фотолари.



ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари

2-«Строймеханизация» трестига қарашли 7-механизация бошқармаси машъал коллективларидан ҳисобланади. Бу йилги қишнинг қаттиқ совуқ келганлиги сабабли баъзи қурилиш ташкилотлари биринчи квартал планларини бажаролмай қолдилар. Мазкур бошқармадаги асосий ишлардан ташқари механизаторларга кўчакуйларни қордан тозалашда ҳам иштирок этишга тўғри келди. Бироқ ана шундай қийин шароитда ҳам бу ҳамжиҳат коллектив ишни бўшаштирмади. Биринчи квартал планини ортиғи билан адо этган бошқарма механизаторлари трестнинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдилар.

Ярим йиллик давлат плани ҳам муддатидан аввал ортиғи билан адо этилди.

Коллективнинг бундай улкан меҳнат муваффақиятларини қўлга киритишида бошқарма коммунистларининг роли катта бўлмоқда.

Бошқарма партия ташкилоти 1967 йилнинг январь ойида ташкил этилган эди. Ўша пайтда коллективда 7 нафар коммунист ва икки КПСС аъзолигига кандидат бор эди. Бугунги кунда бошқарма бошланғич партия ташкилоти ўз сафига 47 коммунистни (улардан 7 киши КПСС аъзолигига кандидат) жипслаштирган. Мана, уч йилдирки, бу ташкилотга Ленин орденли механизатор, уста ташкилотчи Ҳ. Р. Муҳамедзянов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бошқармада кўп йиллик партия стажига эга бўлган А. Ф. Долбилкин, В. К. Мирзаева, Н. П. Вотрин каби ишнинг кўзини биладиган коммунистлар бор. Муҳамедзянов ўз иш фаолиятида ана шуларнинг тажрибасига таянади. Бирор муҳим масалани ҳал этмоқчи бўлса, бошқарманинг тажрибали, илғор ишчилари, кекса коммунистлари билан маслаҳатлашади.

Яқинда бошқарма бошланғич партия ташкилотининг ярим йиллик ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда партия ташкилотининг секретари коммунистлар олдида ҳисобот берди.

— Ҳисобот даврида,— дейди докладчи,— 7 киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Булар экскаваторчи А. А. Кремер, шофёр Х. Р. Гараев, акқумуляторчи А. А. Завьялов, ва инженер Г. Ф. Вострокнутова каби ўз ҳалол меҳнати ва намунали ҳулқи билан коллектив ҳурматини қозона олган илғорлардир. Бульдозерчи А. С. Кучеров, грейдерчи А. Норматов, экскаваторчи В. Елькин, прораб Гайнуллин каби ўртоқлар эса синов муддатидан муваффақиятли ўтиб, КПСС сафига қабул қилиндилар.

Докладчининг бу сўзларидан шуни уқиб олиш мумкинки, партия ташкилоти коммунистлар сафини илғор ишчи-хизматчилар ҳисобига ўстиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Ҳисобот даврида сиёсий-тарбиявий ишлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Бошқармада 19 коммунистни бирлаштирган «Ёш коммунистлар мактаби» ташкил этилган бўлиб, унга Муҳамедзяновнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда. Комсомол ишларига раҳбарлик, ёшларга йўл-йўриқлар бериб бориш ҳамиша партия ташкилотининг диққат марказида. Ҳисобот даврида ўтказилган партия бюроларидан бирида «Комсомол ёшлар ўртасида олиб борилаётган идеология ишлари» деган масала кўрилди. Бошқармада коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ўқув машғулотлари ҳам муваффақиятли якунланди.

Умуман, ҳисобот даврида ўтказилган партия мажлисларида «Давлат планининг бажарилишида коммунистларнинг роли» «Коммунистлар ва НОТ», «Механизмларнинг техник ҳолати» каби қатор масалалар муҳокама этилганлиги ижобий таъсир кўрсатмай қолмади.

Масалан, партия мажлисларининг бирида кун тартибига «Меҳнатни илмий асосида ташкил этиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишда коммунистларнинг роли» масаласи қўйилган эди. Коммунистлар иштирокида бу масала муҳокама этилгач инженер-техник ходимлар ишга ижодий ёндоша бошладилар. Ишлаб чиқариш эстетикаси яхшиланди. Механизмларнинг бекор туриб қолиш ҳолларига илмий-техника адабиётлари кутубхонасининг биноси, меҳмонхона, «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг янги биноси ҳам қурилади.

Шу ернинг ўзида ўнта минора шаклидаги бино қурилиб, уларнинг ҳар бирининг баландлиги 65—70 метрга етади. Бу марказ шаҳримизнинг энг гўзал жойларидан бири бўлиб қолади. Маъмурий бинолар комплексига Тошкент меҳмонхонаси қўшилиб кетади.

Янги комплекс билан туркман бозори оралигида янги Ленин хиёбони барпо этилади. Беш гектар майдонни эгаллаган хиёбонда фонтанлар, сув ҳавзалари, кафе, мороженое ва сув расталари қурилади. Шаҳар марказида гўзал сайилгоҳ барпо этилиши ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари ва дам олишларига имкон беради.

Шаҳримиз истиқболи порлоқ, у тез орада таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетади.

Д. РАҲМОНОВ.

Бироқ шуни рўй-рост айтиш керакки, ҳисобот даврида партия ташкилоти баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйди. Сўзга чиққан коммунист Т. Кашлев объектларда ишни ташкил этиш талаб даражасида эмаслиги, механизмларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари учраб турганлигини, партия бюросининг янги сайланган состави ана шуларга алоҳида аҳамият бериши лозимлигини айтиб ўтди.

Бошқарма бошлиғи Ю. А. Петров, бош механик В. И. Фурманов, автогрейдерчи П. Куценко ва бошқа ўртоқлар музокарада, сўзга чиқиб, партия ташкилоти иш фаолиятидаги ютуқлар ва йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида гапириб ўтишди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини айтишди.

П. УСМОНОВА.

МИНОРАСИМОН БИНОЛАР

Янги лойиҳалар

В. И. Ленин номли майдонда қурилган ва қурилаётган кўп қаватли маъмурий биноар қаторида минора шаклида улкан бир бино қад кўтарди — бу Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг янги биносидир. Янги 5 қаватли бино каркас панелдан қурилган. Бинонинг биринчи қаватида катта дахлизда сатҳи 100 квадрат метрли гулзор бор. Гулзор ичида В. И. Ленининг бюсти ўрнатилган. Зина бўйлаб бино теласигача давом этган панода ганчдан накшланиб, 15 республика ва Совет Иттифоқи герблари маҳорат билан ишланган. Бу безакда қозирги замон архитектурасига ўзбек амалий санъати дид билан татбиқ этилганлигини кўришимиз мумкин.

Ана шу кўркам бино билан бурчакма-бурчак яна икки бино қурилмоқда.

Минора шаклидаги бу биноларни лойиҳалаштириш эса ўз ўрнида қурилиш майдонини қисқартириш ва бино сатҳини қаватлар ҳисобига оширишга олиб келади. «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг архитектори М. Ф. Кандакова лойиҳаси асосида қурилаётган бу шаклдаги биноларни В. И. Ленин номли майдон атрофидаги самблидаги биноларни бирхилликдан холи қилишда ҳам ўз архитектураси билан муҳим аҳамият касб этган.

Майдондаги янги биноларнинг комплекси шаҳар ансамбли билан шарқдан Самарқанд кўчаси, Ленин, Коммуниства Навоий кўчалари оралиғидаги янги қурилаётган биноларнинг комплекси билан уйғунлашади. Бу комплексга кирган биноларнинг барчаси ҳам бир хил эмас. Шарқ томондан кириш йўли — зиналар катта айвонга олиб чиқади. Айвон ўртасида айлана шаклидаги тик зина бинонинг кўринишга эга. Шарқ биноларида Ўзбекистон савдо палатаси жойлашади. Унинг қаватида Саноат моллари кўргазмаси зали ҳам ўрин олади. Бинонинг шимолига Улькин ва инженер О. Бровермандлардир.

Улкан бино қад кўтарадиган марказда миллион жилд китоб жойлашадиган республика илмий-техника адабиётлари кутубхонасининг биноси, меҳмонхона, «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг янги биноси ҳам қурилади.

Лойиҳа авторлари Тошкентдаги Ўзбекистон давват лойиҳа институтининг архитектори Б. Шарқ архитектура услубида катта айвон қуриш кўзда тутилади.

Беш йиллик зардоб одимлари

ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Беш йиллик тўртинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари ва доҳий Ленининг бир асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилаётган 2-пойафзал фабрикасининг коллективи ярим йилликни муваффақиятли якунлаган эди. Коллектив ленинча меҳнат вахтасида туриб меҳнат қиляпти.

30 йилдан зиёд шу корхонада ишлаб келаётган комплектлаш цехининг бошлиғи Нуъмон Мусаев бугун бир неча ҳужжатларга имзо чекди. Бу республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Сирдарё областлари ҳамда Қорақалпоғистон матлубот жамиятларига юборилаётган 8 контейнердаги пойафзалларнинг ҳужжатларидир. Юборилган маҳсулотлар 30 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, Бекобод савдо ташкилотининг вакили 1720 жуфт, яъни 21 минг сўмлик маҳсулот олди. Фабрика коллективи харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида Марказий универмагда пойафзал савдо кўргазмаси ташкил қилдилар.

— Дастлабки кунлари бу ерга ўн минг сўмликдан ортиқроқ мол чиқараётган эдик, — дейди комплектлаш цехининг бошлиғи Н. Мусаев.— Бугун эса талабга мувофиқ 21 минг сўмлик пойафзал жўнатдик.

Пойафзал чилар ярим йилликда планга қўшимча 12 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқардилар ва 203 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

План бўлимининг бошлиғи Р. Мордуҳаевнинг қилган ҳисобига кўра йил бошидан буён тежалган хом ашёдан 12 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарилди.

◆

Ленин орденли «Главмосстрой» қурувчилари Марказ-1 да янги қаҳвахона ва 9-қаватли 2 та турар-жой биносини фойдаланишга топширмоқдалар.

СУРАТДА: москвaликлар қурган янги уйлар.

М. Нуриддинов

фотолари.

◆



◆ БЕШ КУНЛИК ВА ДАМ ОЛИШ

ИККИ РАҲБАРГА БИР САВОЛ

Саноат корхоналари, фабрика, фирма, комбинатлар, транспорт ва алоқа ташкилотларининг меҳнаткашлари беш кунлик меҳнатдан сўнг қандай дам оляптилар? Улар ёзги меҳнат отпускаларини мароқли ўтказишлари учун корхона раҳбарлари ва касаба союз ташкилотлари қандай тадбирлар белгилашган?

Мухбиримиз ана шундай савол билан хўжалик буюмлари ҳамда чинни заводи касаба союз ташкилотларининг раиси Ғ. Иноятов ва И. Ғиёсов ўртоқларга мурожаат қилди. Қуйида шу икки ўртоқнинг саволларга берган жавобларини ўқийсиз.

Асосий вазифамиз

Ғафур ИНОЯТОВ,
Хўжалик буюмлари заводи касаба союз комитетининг раиси.

Аввало шуни айтиш керакки, шаҳримизнинг ўзида ҳам ўнлаб соғлиқни хиёбонлар, боғлар, дам олиш жойлари, ҳовузлар бор. Шу жойларда кундалик ва ҳафталик меҳнатдан сўнг кўнгилли дам олиб, ҳордиқ чиқариш мумкин.

Биз бу имкониятлардан яхши фойдаланмоқдамиз. Меҳнаткашларнинг коллектив равишда оромгоҳларда сайр этишини, кинотеатрларга боришини ташкил этдик, спортнинг шахмат-шашка каби турлари бўйича мусобақалар, журналхонлар ва китобхонлар конференцияларини ўтказмоқдамиз. Ҳордиқ чиқаришни тўғри уюштиришда гап кўп экан.

Завод касаба союз комитети партия ташкилоти ва маъмурият билан бамаслаҳат ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг икки кунлик дам олишлари тўғрисида аниқ план тузиб чиққан. Дам олиш уйларига, санаторий ҳамда туристик саёҳатлар учун йўлланмалар тўғри тақсимланмоқда.

Июнь ойининг ўзидагина Бўстонлиқ, Сўқоқ дам олиш уйларида коммунистик меҳнат зарбдорларидан 20 киши ҳордиқ чиқариб қайтди. 60 кишига шаҳар атрофидаги дам олиш уйларига бир-икки кунлик путёвкалар тарқатилди. Июлда яна 25 кишининг шундай путёвкалар билан дам олиши планлаштирилди.

11 киши Иттифоқ санаторийларида дам олиб ва шифоланиб қайтди. Яна 23 кишига шундай имтиёзлар берилади.

Яқинда бўлиб ўтган монгол-совет ёшлари фестивалида завод ёшларидан 250 киши қатнашди. Марказий театрларга борибспектакль томоша қилиш учун 250 кишига текин билетлар тарқатилди. Йил охиригача кўплаб ишчиларга Навоий номли Катта академик театрга Ҳамза номли ўзбек Давлат драма, Мушкимий номли ўзбек мусиқали комедия ва драма, Горький номли Давлат академик рус драма, ёш томошабинлар театрларига бориб спектакллар кўриш учун текин билетлар берилиб турилади.

Илғор ишчи ва инженер-техник ходимлардан 30 киши республикамиздан ташқари жойларга туристик саёҳат қилиб қайтишди. Уларнинг 300 фарзанди пионер лагерларида дам олдилар. Иккинчи ва учинчи мавсумда ҳам шунчадан бола пионер лагерларида дам олади. Чимёндаги «Буревестник» пионерлар лагерида касаба союз комитети ҳисобидан қурилиб, жиҳозланган павильонда ҳам фарзандларимиз навбатма-навбат дам олишмоқда.

Амалга оширилаётган бу тадбирларнинг ҳаммаси завод меҳнат аҳлининг мароқли дам олиши, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида хизмат қилмоқда.

Имкониятлардан фойдаланиб

Илёс ҒИЁСОВ,
Чинни заводи касаба союз комитетининг раиси.

Ишчи - хизматчилар, инженер-техник ходимларимиз ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари навбатма-навбат Оқтош тоғлари ён бағридаги ҳушманзара жойларда ҳордиқ чиқаришмоқда.

Касаба союз йўлланмаси билан ўнлаб кишилар Сўқоқ, Кумушкон, Троицкий дам олиш уйларида, Чортоқ Ботаника, Луначарскоедаги санаторийларда дам олиб, шифоланиб қайтишмоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдорларидан 20 киши шу кунларда Совет Иттифоқи бўйлаб туристик саёҳатга ҳозирлик кўрмоқда.

«Ёшлик» туристик поездида саёҳат қилиш учун А. Мансуров, Т. М. Ким ва бошқа ишчиларга йўлланма берилди.

Ишчилар кучи билан завод территориясида гулзорлар бунёд этилган. Шу кунларда боғдаги қизил чойхона, Ленин ҳайкали ўрнатилган ҳиёбон чирой очмоқда. Ленин хонаси жиҳозланмоқда. Завод коллективи яхши меҳнат қилиш ва дам олиши учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Кўзларингдан нур аримасин

Ота-оналар ўз фарзандларига яхши ният билан тилак билдирадилар:

— Кўзингдан нур аримасин!

— Кўзинг нурга тўлсин!

Инсон учун фарзанд азиз. Шунинг учун ҳам биз фарзандимизни: «Кўзимнинг нури, кўзимнинг оқ-қораси» деб эъзозлаймиз. Чунки, кўз, одамнинг муҳим аъзосидир.

Кўзнинг бир дақиқа юмиб, кўр одам ҳақида ўйлаган киши, кўзнинг бебаҳо қадрини дарҳол сезиб олиши мумкин.

Тақдир-тақозоси билан кўз нервларим шамоллаб, хасталанибқолдим. Ёшим 58 да. Энди кўр бўлиб қолмасам эди, деб қаттиқ изтиробландим. Ҳар нарсанинг олдини олган яхши. Шаҳримиздаги 17-шифохонага бордим.

Бу шифохонада худди менга ўхшаган бемороларни кўриб юрагим қисилди. Лекин, кунлар ўтиши билан ажойиб шифокорларимизнинг зиёбахшлигини кўриб, оламга янги келгандек қувонib кетдим.

Мен билан бирга 81 ёшли қария Шомаҳмуд ота ётарди:

— Эҳ, болам, кўзим тўрт йилдан бери кўрмаяпти,— дерди у.— Бу кўзнинг очилишига ишонмайман. Дунё қоронғи, дарди-дунёим қоронғи, доктор болаларим: «Кўзингиз очилади», дейишади, зора очилса...

Тўрт йил кўзи кўрмай қолган бу қарияни операция қилишди. Мўъжизани қаранг, 28 кун деганда Шомаҳмуд отанинг кўзлари чарақлаб очилиб кетди. Мен 81 ёшли бу чолнинг қувончларини сўз билан таъриф этолмайман!..

Яна бир бемор — 69 ёшдаги Зокир Каримов глаукома касали билан ётган эди, у ҳам 27 кунда дардига шифо топиб кетди.

Иброҳим ака деган бир беморнинг кўзини баъзи шифохоналарда олиб ташлашни айтишган экан. Бу ерда, унинг хаста кўзини 45 кун ичида даволаб юборишди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин гап бунда эмас. 17-шифохонанинг ажойиб шифокори, чинакам инсон Қосимхўжаевнинг одамийлигига тасанно айтмоқчиман.

Мен Қосимхўжаевни инсон ҳаётига нур бахш этувчи, ўз касбини чуқур эгаллаган моҳир шифокор сифатида танидим. Қосимхўжаевнинг касалларга бўлган муносабати ва эътиборн, садоқати совет кишиларига хос фазилатларга эга эканлигидан далолат беради, буни кўриб гоят қувондим.

Қосимхўжаев ўз коллективида аҳил, ҳамжиҳат коллектив туза олган экан.

Мен Қосимхўжаевнинг меҳнат ва маҳоратига офарин айтиш билан бирга юқоридаги номларни ёзилган бемор оталар номидан, шахсан ўз номимдан миннатдорчилик билдираман, кўзларингизда нур аримасин, дейман.

Б. КАРИМОВ,
ўқитувчи.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ЧОЙХОНАЛАРДАГИ ҲАНГОМАЛАР„

Кейинги пайтларда кўпгина чойхоналар майхонага айланаётгани, чойхўрларга хизмат кўрсатишга эътибор борган сари пасайиб кетаётгани, шунингдек бошқа тартибсизликлар юқоридаги сарлавҳали материалда газетамизнинг шу йил 15 май сонида танқид қилинган эди. 10 июнда чиққан «Нома ва ҳангома» сарлавҳали материалда эса 5-таксомотор парки чойхонасидаги тартибсизликлар ҳақида ёзилган эди.

Ҳар иккала материал юзасидан шаҳар умумий овқатланиш бошқармасидан жавоб олинди.

Биринчи мақола Чилонзор район ошхоналар трести коллективи ўртасида муҳокама қилинди ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

5-таксомотор паркидаги чойхона ремонтга ёпилди. Чойхона учун зарур қурилмалар ўрнатилди. Медицина кўригидан ўтмаган ходимлар ишдан четлаштирилди.

Чойхоначилар билан чой тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича семинар ўтказилди. Айрим чойхоналарга чойнак ва пиёлалар берилди.

Булардан ташқари, маҳалла комитетлари ҳузуридаги чойхоналарнинг ҳам санитария ҳолатини яхшилаш зарурлиги кўрсатилди.

Чилонзор районидаги чойхоналар ишини яхшилаш мақсадида уни трест доимий назорат остига олди.

ВИРУСГА ҚАРШИ ЗАРДОБ

Фан—ишлаб чиқаришга

Вирус касалликларига тез инфекция диагноз қўйиш медицинанинг монополияси бўлмай қолмоқда. Украина ўсимликларини ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтининг олимлари вирус касалликларига тез диагноз қўйиш самарали методини мутлақо бошқа соҳа — фитопатологияда (қишлоқ хўжалик экинларини касалликларини ўрганувчи фан) ишлаб чиқдилар. Бу метод картошказорда ўстирилган картошка туганагининг сог-носоғ эканлигини тез ва аниқ белгилашга имкон беради. Микроскоп ойначасига икки томчи диагноз қилинадиган ва контроль зардоблар томизилади. Уларга текширилувчи ўсимлик баргларидан сиқиб чиқарилган шарбат томизилади. Орадан ярим минут ўтгач, агроном тегишли натижаларни олади. Башарти экин вирус билан оғриган бўлса, диагноз зардобида чўкинди пайдо бўлади. Илгари бундай операциями ўтказиш учун узоқ муддатли станционар анализлар талаб қилинарди.

Олимлар ишлаб чиққан янги метод республиканинг Киев, Житомир ва бошқа областларидаги картошкатта уруғчилик хўжаликларида муваффақият билан қўлланилмоқда.

(ТАСС мухбири).
Олмаота.



Чечен-Ингуш Автоном Республикасида ўрим-йиғим вақтида. Автоклуб тушки дам олиш пайтида дала шийпонларининг севимли меҳмони.

СУРАТДА: Грозний район Маданият уйи Бадиий ҳаваскорларн совхоз комбайнчиларига концерт беришмоқда.

Р. Дик фотоси (ТАСС фотохроникаси).

АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИЗМИ — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

«Инсоният асримизнинг сўнгги — учинчи босқичига тараққиёт ва реакция, социализм ва империализм кучларининг бир-бирига тарихий мухолифлиги кучайган бир вазиятда қадам қўйди. Бутун дунё, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма асосий соҳалари — экономика, сиёсат, идеология, маданият ана шу мухолифлик майдони бўлиб қолди.

...Социализм позицияларини ҳар қандай усуллар билан заифлаштиришга, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг курашига тўсқинлик қилишга, капитализм инқирозининг муқаррар жараёнини тўхтатиб туришга интилиш — империализмнинг агрессив сиёсатига асос қилиб олинган.

...Сўнгги ўн йиллик мобайнида юз берган воқеалар Америка империализми жаҳон эксплуататорлари ва жандарми, озодлик ҳаракатларининг ашаддий душмани эканлигини янада яққолроқ кўрсатиб берди.

(Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтган халқаро Кенгаши 1969 йил 17 июнда қабул қилган ҳужжатдан).

ОЛДИНДА — ҚАТТИҚ КУРАШЛАР

ТУРЛИ тарихий факторлар таъсирида Уругвай Латин Америкаси давлатлари орасида қитъада ўз ҳукмронлигини ўрнатган янки империализми аралашувидан камроқ жафо кўрди. Бу ўринда очиқдан-очиқ зўравонлик, қуролли ҳужум ва тўғридан-тўғри агрессия кўзда тутилмоқда. Бироқ сўнгги йилларда айниқса Кубада революция ғалаба қозонгач ва Уругвайда халқ ташкилотлари мустаҳкамланган сари, мамлакатимизга Қўшма Штатлар полицияси тобора кўпроқ кириб келмоқда. Бу жараён турли баҳоналар билан ва турли кўринишларда юз берсада, моҳияти жиҳатидан бошқа давлатлардагига ўхшаб, Марказий разведка бошқармаси, ФБР, «Тинчлик корпуси» фаолияти активлашмоқда.

АҚШ элчихонаси ишчилар синфига сотқинлик қилганлардан иборат Уругвай касаба союз конфедерациясини ташкил этди. Лекин бу «конфедерация» бир неча йил муқадам барбод бўлди. Шундан сўнг янкилар ишчилар ташкилотларига ўз агентларини — турли ивогарлар ва бузғунчиларни юбора бошладилар. зўравонлик ва террор ўтказа бошладилар. Шу билан бир вақтда улар янги сариқ касаба союз тузишга ўринмоқдалар. Лекин улар катта маблағ сарфлаётган ва ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётган бўлсалар ҳам, ўз мақсадларига эриша олганлари йўқ. Уругвай ишчилар синфи бу ивогарликларнинг моҳиятини тушуниб, ўз ташкилотларидан АҚШ элчихонаси юборган агентларни фош қилиб ҳайдаб чиқармоқда.

Бироқ, бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатаётганидек, халқ ҳаракатини бостиришда Марказий разведка бошқармасининг иштирок этиши, унинг режалари ва иволарини айниқса хавфлидир.

Шу жиҳатдан қуйидаги фактлар эътиборни жалб этади. Марказий разведка бошқармаси аллақачондан буён Уругвай орасида қитъада ўз ҳукмронлигини ўрнатган янки империализми аралашувидан камроқ жафо кўрди. Бу ўринда очиқдан-очиқ зўравонлик, қуролли ҳужум ва тўғридан-тўғри агрессия кўзда тутилмоқда. Бироқ сўнгги йилларда революция ғалаба қозонгач ва Уругвайда халқ ташкилотлари мустаҳкамланган сари, мамлакатимизга Қўшма Штатлар полицияси тобора кўпроқ кириб келмоқда. Бу жараён турли баҳоналар билан ва турли кўринишларда юз берсада, моҳияти жиҳатидан бошқа давлатлардагига ўхшаб, Марказий разведка бошқармаси, ФБР, «Тинчлик корпуси» фаолияти активлашмоқда.

АҚШ элчихонаси ишчилар синфига сотқинлик қилганлардан иборат Уругвай касаба союз конфедерациясини ташкил этди. Лекин бу «конфедерация» бир неча йил муқадам барбод бўлди. Шундан сўнг янкилар ишчилар ташкилотларига ўз агентларини — турли ивогарлар ва бузғунчиларни юбора бошладилар. зўравонлик ва террор ўтказа бошладилар. Шу билан бир вақтда улар янги сариқ касаба союз тузишга ўринмоқдалар. Лекин улар катта маблағ сарфлаётган ва ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётган бўлсалар ҳам, ўз мақсадларига эриша олганлари йўқ. Уругвай ишчилар синфи бу ивогарликларнинг моҳиятини тушуниб, ўз ташкилотларидан АҚШ элчихонаси юборган агентларни фош қилиб ҳайдаб чиқармоқда.

Бироқ, бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатаётганидек, халқ ҳаракатини бостиришда Марказий разведка бошқармасининг иштирок этиши, унинг режалари ва иволарини айниқса хавфлидир.

Шу жиҳатдан қуйидаги фактлар эътиборни жалб этади.

Азиз Несин

Ғаройиб болалар



Дамир фаросатли бола эмасми, дарҳол вазиятга тушунди.

—Бетингни кўргани кўзим йўқ, оқпадар. Мен отанг бўламан. Керак бўлса менга ўзинг қара!

Пьесадан тамоман четга чиқиб кетдик.

—Кимга қараб гапиряпсан, охир мен орқангда турибманку...

—Ҳар ҳолда сенга эмас. Токатим йўқ сен билан гаплашгани...

—Бўлмаса, деворга гап уқтиряпсанми?

—Сендан кўра шу девор маъқул. Гапирсанг, тушунади.

—Сенинг ўрнингга тош тугсам бўлмасмиди, кунимга ярарди. эвоҳ, — деб ерда инграб ётган Миненинг жони узилди.

Дамир оламдан ўтган Минени бағрига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаши керак.

—Қанисан, хотинжон, қаёқда қолдинг, жабрдийдам!— деганича у ўзини ерга отиб, Минени тимирскилаб қидира бошлади.

Мине ётган жойида унга қараб талпинди.

— Бу ердаман, мен ўлдим.

— Мана энди бирга бўлинглар!— деб Дамирни ёқасидан олдимда, Миненинг устига улоқтирдим.

Шу билан иккинчи парда ҳам тугади.

Парда туширилгач ўқитувчимиз Дамирни қаттиқ койиб берди.

— Кўзойнакда кўрмаётган бўлсам, нима қилай охир,— деди у ҳам ўзини оқлаб.

Охирги пардада Дамирни кўзойнаксиз чиқармоқчи бўлишди-ю, лекин шу пайтгача кўзойнакда юрган чол ўлими одидан бирдан уни ташласа, қизиқ туюлади, деган андишада бу фикрдан воз кечишди.

— Кўзойнакни тақкин-у, лекин ойнагининг устида қара,— маслаҳат берди директор.

Дамир директорнинг маслаҳатига амал қилгани учун учинчи парда анча силлиқ ўтди. Аммо олдинги саҳналарда томошабинларнинг кулги патини қитиқлаб қўйган эканмиз-ку, тўғри гапгаям қийқириқ кўтаришади. Йиғлаш керак бўлган жойда ҳам нуқул кулги қилишади.

Учинчи пардада мен қамоқдан бўшаб, уйга келаман. Энди ўз қилмишларидан пушаймон бўлган ўғилман. Отамга ялиниб, мени кечиришини сўрайман. Залдагиларга қолса, шу ҳам кулги. Бунинг нимаси кулгили экан, ҳайронман.

Кечирим сўраб, отамнинг қўлини ўпишим керак. Энди ўпмоқчи бўлиб энгашган эдим, бундоқ қарасам, мўйловимнинг бир томони ерда ётибди. Ярмита мўйлов билан бошни қандоқ кўтараман?!

Дарров бу ёғини келитириб юбордим.

— Оёғингизга бош қўйиб ялинаман, отажон!— деб Дамирнинг оёғи остига ўзимни отдим. Айни пайтнинг ўзида ерда ётган мўйловга чанг солдим. Дарров лабнинг тепасига қўндирдим. Аммо фалокат деган нарса ёлғиз юрмас экан. Мўйловнинг чап бўлаги тушган экан-у, мен унн ўнг томонга ёпиштирибман. Иккови устма-уст бўлиб қолди. Дамир буни сезган экан. «Чапга ол уни» деб шивирлади. Ҳаракат қилиб кўрдим, бўлмади. Охири мўйловини бураётган кишидек қилиб чап қўлни ўша жойда ушлаб тураверди.м.

— Мен сени кечирдим, ўғлим,— деди отам ниҳоят.

Мен бўлсам унга мўйлов қиламан. Лекин бунинг ҳам чеки бўлиши керак-да! Қачонгача отамга қараб мўйлов бурайман?!

—Агар гуноҳимдан ўтмаганингда шу мўйловни мана бундоқ қилиб юлиб ташламоқчи эдим- отажон!— дея солиб мўйловни шартта олиб, оёғининг остига ташладим.

— Нима қилиб қўйдинг, болагинам?!

— Сендан айлансин шу мўйлов, отажон! Гуноҳим катта, уни ювишга бу ҳам етмайди.

Спектакль охирлаб қолди. Энди отам ҳўнг-ҳўнг йиғлаб мени бағрига босиши ва «гуноҳингдан ўтдим, ўғлим. Энди парвардигорга илтижо қил, сени ўзи кечирсин» деб туриб жонини таслим қилиши керак.

Дамир ҳўнграб йиғлаб юборди. Разм солиб қарасам, ростакамига йиғлаяпти. Спектаклдан кейин айтишига қараганда, юраги эзилиб кетган экан. Хуллас, юз-кўзи чапланиб, пахта ювиб кетди. «Вой, болагинам!» деб ўзини менга ташлади. Бир пас қучоқлашиб турдик. Кейин бир-биримизни бўшатдик.

Юзига қарасам, биттаям соқол-мўйлов қолмаяпти. Ҳайрон бўлиб ўзимникини пайпасладим. Ана холос! Мендан соқол ўсиб чиқибди. Боя бир-биримиз билан ачомлашиб турганимизда Дамирнинг ивиб кетган соқоли , менга ўтиб қолган экан-да... Бир пасда ўғилдан отага айланиб қолдим. Ҳозир отанинг ерга йиқилиб, жон берадиган пайти. Лекин Дамирнинг ҳеч ўладиган турқи йўқ.

— Бўл энди. Дамир, ўладиган бўлсанг тезроқ ўлмайсанми,— пичирлаб дедим унга.

— Соқол сенга ўтди-ку, энди қайси биримиз ўлишимиз керак?

— Ахир сен отасан, албатта ўлишинг керак. Ерга от ўзингни!

Дамирнинг бўлса ўзини ташлагани ҳеч ҳам юраги бетламайди.

— Намунча имиллайсан?! Бўл тез!

— Йиқил десанг йиқилавераман-у, аммо директорнинг кўзойнаги нима бўлади? Тағин синиб қолса-я!— деди у олдимга келиб.

— Э, гапни чўзма, тез бўл. Спектакль тугашн керак. Шармандa бўлдик!

— Мен гуноҳингдан ўтдим. Энди парвардигорга илтижо қил, сени кечирсин.

Дамир шу гапни айтди-да, кўзойнакни бемалол столга олиб қўйди. Кейин: «Энди мен ўляпман!» деганича гуп этиб ерга ағдарилди. Мен унинг устига ўзимни ташладим. Дарҳол парданн ёпишди. Аммо икковимиз жуда олдинга чиқиб кетган эканмиз, ярим белимиз пардадан ташқарида қолди.

Зал кулги ва қарсак зарбидан ларзага келди.

— Бундай аҳволда ётаверсак бўлмайди, қани, турамиз энди,— деб Дамирга пичирладим.

— Ўлган одам қанақа қилиб туради?! Хоҳласанг, ўзинг тур, мен ётишим керак.

Аллаким оёғимиздан судраб. парда ичига олди. Ўрнимиздан туриб кўрсак, ўқитувчимиз экан.

— Расво бўлдик, Аҳмад, энди тоза гап эшитамиз,— деди секингина Дамир.

(Давоми бор)

Экран янгиликлари

ОҚ РОЯЛЬ



Сценарий муаллифи Темур Зулфиқоров, постановкачи режиссёр Муқаддас Маҳмудов.

Француз оқ рояли устида кўп можаролар бўлиб ўтган. XIX асрнинг охирларида у Россияга, шоҳ саройига келиб қолади. Рус шоҳи рояли Бухоро амирига тортиқ қилади, амир ҳам ўз навбатида бу тортиқни уч юз олтмиш бешинчи хотини, яъни француз рафиқасига ҳадя этади.

Октябрь революцияси қарор топди, оқ рояль музикант-матрос қўлига тушади. ва у билан бирга Душанба қишлоғига келиб қолади.

Орадан шунча вақт ўтиб, шунча саргузаштлар бўлиб ўтса ҳам Москвадаги музика асбоблари музейининг ходимаси Алла Арсеньева Пётр I нинг балалайкаси билан Чингизхон ноғорасини қидириб топгани учунми, ҳар ҳолда оқ роялни ҳам топишга жуда ишонарди.

Алла Душанбага келиб анча изланишлардан сўнг, ниҳоят, у оқ роялнинг изини топади, лекин бу йўлда у кўп тўсиқларга дуч келади. Унинг жуда хилма-хил одамлар билан танишишига тўғри келади. ёш композитор Шоди Шодиев, таниқли Юсуф Юсупович Аҳмедов, ёлғиз айёр, дангаса юк ташувчилар, хонанда қиз Лола Аҳмедова ва бошқалар.

Хуллас оқ рояль кетидан қувиш яхши натижа билан тугайди.

Бу фильм режиссёри Муқаддас Маҳмудовнинг учинчи иши. Бунгача «Болалар ҳақида кичик ҳикоялар» (А. Ҳамраев билан ҳамкорликда ва «1002-кеча» фильмларини яратиб, томошабинларга тортиқ этган.

Постановкачи оператор Иброҳим Баралитов. Фильмда қуйидагилар иштирок этадилар: Лола — Сталина Азаматова. Алла — Нина Шацкая, Шоди — Руслан Аҳмедов, Ю. Ю. Аҳмедов— Фрунзик Мкртчян, бошлиқ— Алексей Смирнов, Малоҳат — Марям Ёқубова. Розия хола — Тамара Кокова.

Фильмни «Тожикфильм» студияси ишлаган.

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

◆*Халқ дружиначиларининг биринчи оммовий рейди*

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН

ЛЕНИН район партия комитетининг иккинчи секретари М. М. Қаҳҳоровнинг хонасида оператив кенгаш кетяпти. Аҳоли уртасида жамоат тартибини сақлаш бўйича қўнгилли халқ дружиначиларининг биринчи оммавий рейдини ўтказиш масаласи муҳокама қилинаётган бу кенгаш ишида шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи III ранг милиция комиссари З. И. Имомов, шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича бошлиғи В. И. Яшин, шаҳар темир йўл станцияси милиция бўлимининг бошлиғи подполковник И. И. Исоқов, Ленин район ички ишлар бўлимининг бошлиғи И. Н. Набихўжаев ва бошқалар иштирок этмоқдалар.

...Соат миллари роппа-роса еттини кўрсатганда эса В. И. Ленин номидаги электротехника, «Подъёмник», «Ташхимсельмаш» ва Октябрь революцияси номли заводлар, «Учқун» ва «Қизил тонг» фирмалари, трамвай-троллейбус бошқармаси ва шу каби 15 ташкилот ва муассасаларнинг 500 дан ортиқ ишчилари Ленин район партия комитетининг биноси ёнида саф тортдилар.

Ленин район ички ишлар бўлимининг бошлиғи И. Н. Набихўжаев биринчи бўлиб сўзга чиқди. У дружиначилар рейдига кўрсатма бериб, асосий диққатни кишиларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига халақит бераётганларни, чайқовчилик қилувчиларни, нисонга қўпол муносабатда бўлувчиларни аниқлаш ва уларни қўлга олишга чақирди.

Шундан кейин Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари М. М. Қаҳҳоров кўнгилли халқ дружиначиларини и н г биринчи оммавий рейдига муваффақиятлар тилади.

Дружиначилар группаларга ажратилди. Ҳар бир группага тажрибали участка инспекторлари бириктирилди. Улар шаҳар бўйлаб тарқалиб кетишди.

Мухбиримиз шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, III ранг милиция комиссари З. И. Имомовдан бу воқеани шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Район партия комитетининг бу ташаббусини олқишлаш керак,— деди у,— бу тадбир районнинг ҳамма кўчаларида ўтказилянти. Эртагачи? Эртага эса бу ишлар одатдагидай бўлиб қолади. Шаҳарда жамоат тартибини сақлаш учун қурашни меҳнаткашларнинг кундалик ишига айлантириш лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1959 йил 2 март қарорида, мамлакатимиз меҳнаткашлари жамоат тартибини назорат қилишни ўз қўлларига олишлари керак, дейлади. Биз автобус ва трамвайда ёки кўчаларда безориликларни кўрганда унга оддий кузатувчи эмас, балки дружиначилар сингари муносабатда бўлишимиз зарур. Ленин районида бошланган бу ажойиб ташаббус оммавий тус олишини истар эдим...

Шу куни дружиначилар рейди муваффақиятли ўтди. «Учқун» фирмасининг дружиначилари темир йўлчилар паркидан безори Эрнест Қўшнитдинович, Кафанов кўчасида эса 2-Кафанский проездининг 12-уйида яшовчи Олег Петрович Пятаков каби безорилярни қўлга туширдилар. Энди буларни халқ суди кутяпти.

Ленин районида бошланган ташаббус рейд шаҳарнинг бошқа районларида ҳам қанот ёйишига кўпчиликнинг ишончи комил.

ОЙ СИРИ

«Апполон-8» да ой атрофини айланиб тушган Америка космонавти Фрэнк Борманнинг Москвага келишидан фойдаланиб, «Литература газета»нинг мухбирлари Л. Коневский ва М. Максимов космонавт билан учрашдилар ва «Апполон-11»нинг учиш программаси ҳамда унда парвоз қиладиган космонавтлар ҳақида гапириб беришни сўрадилар.

Мана ўша суҳбат

— Агар ҳаммаси яхши бўлса, «Апполон-11» кемаси 16 июль Гринвич вақти билан соат 13 дан 32 минут ўтганда Кеннеди бурунидан учирилади. Парвознинг дастлабки қисми «Апполон-8» программасини эслатади. Иккинчи қисми эса «Апполон-10» маневрларини такрорлайди. Шундан кейинги барча ишлар тарихда биринчи марта амалга оширилади. Ой кабинасида «Мольтке» кратери ёнидаги «Сокинлик денгизи» районида қўниш учун энг текис жой излаб учиб юрадилар. Экипаж тарихда биринчи марта ойга юмшоқ қўнади. Шундан сўнг кабинадан чиқиш, Ой моддаларидан олиш, илмий асбобларни ўрнатиш керак бўлади. Ниҳоят Ойда 21 соат бўлгандан кейин космонавтлар кеманинг махсус бўлими билан стиковка қиладилар ва Ер сари йўл оладилар. Кема 24 июль соат 16 дан 51 минут ўтганда Тинч океанига қўниши мўлжалланмоқда.

Космонавтларни кутиб олиш ҳам ўзгачароқ бўлади. Ойни ўз қўли билан ушлаган бу космонавтларни махсус герметик фургонга солиб Хьюстонга олиб келадилар. Бу фургон кемада ҳам, самолётда ҳам, юк машинасида ҳам бўлади. Космонавтлар 18 кун карантинда бўладилар, врачлар космонавтларнинг Ерга Ой бактерияларини олиб келмаганликлиги а р м и г а ишониш мақсадида шундай қиладилар.

Энди «Апполон-11» экипажи ҳақида.

Нейл АРМСТРОНГ 38 ёшда. НАСАда 1959 йилдан бери ишлайди. «Джемини-8» космик кемасида учган. Оилали. Икки ўғли бор. Нейл тўққиз зинали нарвончадан Ой сатҳига биринчи бўлиб тушади. Шундан кейин орадан 20 минут ўтган Ой кабинасининг пилоти ЭДВИН ОЛДРИН Ой сатҳига оёқ қўяди. У 39 ёшда. Ҳарбий ҳаво кучларининг полковниги, техника фанлари доктори. У «Джемини-12»да учган пайтида очиқ космосга чиққан. Эдвин ўйлаган. Икки ўғил, бир қизи бор.

Экипажнинг учинчи аъзоси «Апполон-11» кемасининг командири Майкл Коллинс кемада қолиб ўз ўртоқларининг қайтишини кутади. У ҳарбий ҳаво кучлари полковниги, 38 ёшда. «Джемини-10» кемаси парвозида иштирок этган. Парвоз пайтида очиқ космосга чиққан. Майкл «Апполон-8» да мен билан бирга учиши керак эди. Аммо бетоб бўлиб қолди. Коллинснинг уч боласи бор.

Интервьюмизнинг иккинчи саволи космосни эгаллаш Америка программасининг перспективасига тааллуқлилиги эди.

— Биз — деб жавоб берди Фрэнк Борман,— «Апполон-11»нинг парвози муваффақиятли ўтади, деб умид қиламиз. Шундан кейин ойни эгаллашни давом эттирамиз. Ойга яна бир неча бор космонавтлар тушириш мўлжалланмоқда. Янада узоқроқ келажакка назар ташласак Ойда илмий база ташкил қилиш лойиҳалари бор.

Бошқа характердаги режалар ҳам мавжуд. Масалан, менинг ўзим ҳозир Ер атрофидаги орбитада парвоз қилувчи юз ва ундан ортиқ кишига мўлжалланган йирик йўлдош-лаборатория яратишга бошчилик қиляпман. Лекин бу ҳақда гапиришга ҳали эрта. Агар биз конгресс да етарли миқдорда маблағ ола билсак (бу асосан гап эмас) бундай станцияларни 70 йилларнинг ўрталарида учириш мумкин бўлади.

Сўнгги савол:

— Сиз космосни эгаллашда совет-америка ҳамдўстлигига қандай қарайсиз?

— Биз космосга йўл очган совет олимлари ва космонавтларининг номини доимо миннатдорчилик билан тилга оламиз. Бизнинг ҳамкорлигимиз илгари ҳам гоят самарали бўлган. Лекин бу соҳада бизлар янада кўп ишлар қилишимиз мумкин. Авало, илмий ахборотлар алмашиб туриши керак, йўлдошларни биргалашиб кузатмоқ лозим. Менимча, планетани эгаллашда бекордан-бекорга бир-бирининг таж рибаларини такрорлаб вақтдан кўчиш керак.

Орбитага ўз бортида жаҳоннинг турли мамлакатлари олимларини тўплаган илмий лабораториялар чиқариладиган пайт узоқ эмас, деб ишонгим келади.

[«Литературная газета»нинг 9 июль сонидан қисқартириб олинди]

Радио

16 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Бекободлик халқ контролёрлари» деган эшиттириш (русча). 18.10 Воронеж халқ хорининг концерти. 18.40 Спорт эшиттириши (русча) 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радионжурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 Тожикистон ССР халқ артисти Ш. Мулажонова ижросида қўшиқлар. 22.40 «Шеърият кечаси» (ўзбекча). 23.15 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.30 «Ешлар ижоди» (русча). 20.00 Шашмақомдан парчалар. 20.30 «Композитор Г. Мушель» деган концерт-очерк. 21.00 «Қардош республикалар адабиёти» (ўзбекча). 21.40 Москва.

17 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Халқ талантлари ижросида концерт. 7.55 «Саломатлик —туман бойлиги» (ўзбекча). 8.25 Лирик қўшиқлар. 9.30 «Ялла» концерти. 10.30 Симфоник куйлар. 11.15 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 11.30 И. Акбаров Торли квартет. 13.30 Пятницкий номидаги хор куйлайди. 15.15 Маданият радиоуниверситети (ўзбекча). 16.10 «Ўзбекистон композиторларининг камер ижоди» деган суҳбатли концерт. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 Симфоник куйлар тинглаймиз.

18.00 «Шаҳар — қишлоққа» циклидан (ўзбекча). 18.10 А. Бабажанян. Фортепьяно учун олти музикали лавҳа. 19.20 Г. Холбоева куйлайди. 20.40 Ёшлик қўшиқлари. 21.00 «Империализмга қарши каруш — коммунистик ҳаракатнинг муқаддас бурчи» деган суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 В. Бровцининг «Семурғ» балетидан рақслар. 22.40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар. 23.15 Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Оммабоп классик куйлар. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 «Ёшлар ижоди» (ўзбекча). 19.30 «Қўшиқ билан ҳамнафас» Соловьев-Седой ҳақида эшиттириш (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Ўзбекистон артистлари ижросида СССР халқларининг куйлари. 21.00 «Дружба народов» журнали саҳифаларида (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Виктор Рид: «Қоплон» романи асосида радиопостановка ўзбекча). 14.30 И. Кальман. «Монмартра бинафшаси» оперетгаси. 16.00 М. Хайруллаев. «Танбур навоси» (ўзбекча).

Телевизор

16 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Рус тилида телевизион янгиликлар. 18.45 Болалар учун. «Дўстлик ҳаммадан азиз». Телефильм.

Узбек тилида: 19.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Сабрие Эрдженкова концерти. 19.40 Телевизион янгиликлар. 19.55 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениесининг программаси. 20.30 Ранглн телевидение программаси. 21.30 Интервидение. «Ленин яшаган жойларда». 22.30 СССРда Польша Халқ Республикасининг маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп сериали телевизион бадиий фильмнинг 9-сериаси. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Дам олиш прогаммаси.

01.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлигимиз экранда». 19.15 «Биз куйлари». Фильм-концерт.

Узбек тилида: 20.40 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 21.20 «Сатурн»нинг ҳалоқати» Бадиий фильм. 22.40 Созанда — мураббийлар. Аброр ДАДАХЎЖАЕВ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Узбек тилида: 20.00 «У ҳамиша йигирма ёшда». Кинофильм. 20.10 Беш йиллик илғорлари.

Рус тилида: 20.25 «Дағистон қиссаси». Ҳужжатли фильм. 20.45 «Лорн Гаррос дўстини излайди». Бадиий фильм. 22.20 «Қишлоқ ортидаги ўтлоқзорларда». Музикали телефильм.

17 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Болалар учун. «Пит — қўрқоқ қўён». «Миев». Мультфильмлар. 19.10 «Нгуен Ван Чой». Бадиий фильм. 20.40 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Узбек тилида: 20.50 Телевизион янгиликлар 21.05 «БЎСТОН» тележурнали.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР кубоги учун чорак финал ўйинлари. ЦСКА —«ДИНАМО» (Киев). Танаффус вақтида «Аҳолига граждан мудофаси ҳақида» деган эшиттириш.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. 13.15 Ленин яшаган жойларда. 13.45 Ўқувчилар учун. С. Михалков. «Кулги ва кўз ёшлари». Телеспектакль. 15.15 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

18.00 ДЎСТЛИК ЭКРАНИ. ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Совет — Польша дўстлиги 20.30 Ранглн телевидение программаси. Москвадаги Жаҳон VI кинофестивалида. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР кубоги учун чорак финал ўйинлари. ПСКА— «ДИНАМО» (Киев) Танаффус вақтида «Аҳолига граждан мудофааси ҳақида» деган эшиттириш. 01.00 Р. Ребан. «Соябон арава». Телеспектакль 01.45 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Кинофильм.

Рус тилида: 20.10 «Революцион қадам ташлаймиз». Ҳужжатли фильм 20.40 «Бахт излаб» Фильм-концерт. 20.55 «Тирик мурда» Фильм-спектаклнинг биринчи сериси.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги М. Шайхзода номли 167-мактаб томонидан **Холматова Насиба Абдуллаевна** номига берилган 617124-сонли ўқувчи

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Будённий номли 111-мактаб томонидан **Шокирова Комила** номига берилган 615117-сонли ўқувчи

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА

тайёр маҳсулотлар омбори **омборчилари** ва **юкчилар, операторлар, секретарь-машинистка, бухгалтерлар, мороженое фабрикаси ишчилари** (хотин-қизлар), **автотранспорт юкчилари**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6-уй (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «1-Винзавод» бекати). Телефонлар 66-24-05, 66-24-07, 66-27-09.

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16|VII да **Фарғона тонг отгунча,** 17|VII да **Икки билагузук,** 18|VII да **Жон қизлар.**

Кино

16 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7.20 минут ва 9 яримда).

Оқ рояль — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Оила жанжали — «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Ярим тунги бўса—ТЕЛЬМАН номли.

17 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Оила жанжали — «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Оқ рояль — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ярим тунги бўса — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Минг имкониятдан бири — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади).

Ярим тунги бўса — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ю. А. Гагарин номли 16-ўрта мактаб томонидан **Юсупов Абдукалил** номига берилган 595031-сонли ўқувчи

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА

16 — 17 ИЮЛДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Олмахон ҲАЙИТОВА;**

Солистлар: **З. СУЛТОНОВ, Г. ИСМОИЛОВА, О. ҲОЖИЕВ, Ж. СОБИРОВ, Р. АБДУРАСУЛОВ, Н. ТЯГНИБИДНАЯ, З. ҲОЖИЕВА, Р. АБДУЛЛАЕВА, Ж. БОБОЖОНОВ** ва бошқалар қатнашади.

Программани **Зайтуна ТОЖИБОЕВА** олиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 16 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими—33-31-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2800 Р. 00397. Индекс 64579